

## Албатта, сен Аллоҳнинг ер юзидаги душманларидан бирисан

05:00 / 11.03.2017 4058

Хутайт Зайётни Ҳажжож ибн Юсуфнинг ҳузурига келтиришди. У Ҳажжожнинг олдига киргач, Ҳажжож ундан: “Хутайт сенмисан?” деб сўради. У: “Ҳа менман. Нимани истасанг сўрайвер. Мен уч масалада Аллоҳга аҳд берганман: агар мендан бирор нарса сўралса, фақат рост гапираман, балога учрасам, сабр қиламан, агар омон қолсам, шукр қиламан” деди.

Ҳажжож ундан сўради: “Мен ҳақимда нима дейсан?”

Хутайт жавоб берди: “Албатта, сен Аллоҳнинг ер юзидаги душманларидан бирисан. Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни писанд қилмайсан. Гумон билан кишиларни қатл қиласан”.

Ҳажжож сўради: “Мўминлар амири Абдулмалик ибн Марвон ҳақида фикринг қандай?”

Хутайт жавоб берди: “Унинг гуноҳи сеникидан каттароқ. Сенинг қилган ишларинг унинг хатоларидан бир бўлаги, холос”.

Ҳажжож деди: “Бу кимсани азобга ташланглар!”

Уни олиб бориб, то бўғимлари парча-парча бўлгунича уришди. Кейин гўштарни тўплаб, боғлашди. Кейин боғичдан ечиб, ерга бўлак-бўлак қилиб териб қўйишди. Аммо у шунча азобни кўриб ҳам “чурқ” этмади.

Ровий айтади: “Ҳажжожга “У жон берай деб турибди” дейилди. Шунда Ҳажжож: “Уни олиб чиқиб, бозорга ташланглар” деди.

Жаъфар айтади: “Мен ва унинг шериги иккаламиз унинг олдига бордик ва унга: “Эй Хутайт, бирор ҳожатинг борми?” деб сўрадик. У: “Бир қултум сув” деди. Сув келтирилди. Сувдан ичди ва вафот этди. Ўшанда унинг ёши ўн саккизда эди. Аллоҳ уни раҳмат қилсин”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси